



“Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг оммавийлигини янада ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳар томонлама тарғиб қилиш, жойларда барпо этилган замонавий спорт мажмуаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 мартдаги 199-ф-сонли Фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичлари 2018 йил март ойининг охиригача ўн кунлигида ўтказилиши, голиб ва совриндор бўлган ўқувчиларни тақдирлаш тадбирлари 14-19 май кунлари “Ёшлик ва спорт байрами” сифатида ташкил этилиши;

б) “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичлари голиб ва совриндорларини тақдирлаш тадбирларини худудларда ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси (кейинги ўринларда Республика ташкилий кўмитаси деб аталади) тарқиб 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Қуйидагилар:

спорт мусобақаларининг республика финал босқичлари бўлиб ўтadиган худудлар ва у ерда жойлашган инфратузилма объектларини талаб даражасида тайёрлаш ва замонавий асосда жиҳозланишини таъминлаш;

спорт мусобақалари, маданий-марбрий тадбирлар ўтadиган ҳамда катнашчилар яшайдиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

спорт мусобақалари давомида ҳар қайси иштирокчининг калбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қилadиган маданий-марбрий тадбирлар дастурини амалга ошириш;

ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб этишга доир тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш Республика ташкилий кўмитасининг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги;

г) “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичлари голиб ва совриндорларини тақдирлаш тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 5 кун муддатда тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раислигида мазкур фармойишнинг 1-илоvasида кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг худудий бўлинмалари раҳбарларидан иборат тарқибда худудий ташкилий ишчи гуруҳларини тузиш топширилганлиги;

е) Республика ташкилий кўмитаси (Б.Ақмалов) ўн беш кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қуйидагиларни назарда тутувчи худудий чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш, тасдиқланишини таъминлаш;

тадбирлар ўтказилadиган спорт мажмуалари инфратузилмасини талаб даражасида тайёрлаш, бино ва иншоотларни безаш;

тадбирларни худудлардаги замонавий спорт мажмуаларида ўқувчилар хотирасида бир умр сақланиб қоладиган “Ёшлик ва спорт байрами” сифатида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш;

тадбирларда жаҳон ва қитъа чемпионлари, олимпияда голиблари ҳамда совриндорларининг кўрсатмалари чиқишларини, таниқли санъат усталари, ёш санъаткорлар, эстрада хонандалари ҳамда бадий жамоалар иштирокидаги концерт дастурини ташкил этиш топширилганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги худудий ташкилий ишчи гуруҳлари билан биргаликда тадбирлар ўтказилadиган вақтда жамоат транспортни ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

з) Республика ташкилий кўмитаси худудий ташкилий ишчи гуруҳлар билан биргаликда “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичларида совринли ўринларни қўлга киритган жамоа ва ўқувчиларни эъdалик совғалари билан, умумжамоа ҳисобда 1-ўринни эгалdган туман (шаҳар) жамоаларини Ўзбекистон Республикаси Президентини совғаси “Damas” русумли автомобиль билан тақдирлашни ташкил этиши;

“Damas” русумли автомобиллар ва тадбирларнинг эъdалик совғалари харид қилиш ҳаражатларини молиялаштириш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инobatга олинганлиги;

и) Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига “Умид ниҳоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичларида голиб ва совриндор бўлган ўқувчиларни тақдирлаш маросимини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Умид нихоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичлари голиб ва совриндорларини тақдирлаш тадбирларини ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси «Умид нихоллари-2018» спорт мусобақаларининг финал босқичлари голиб ва совриндорларини тақдирлаш тадбири 2018 йил 19 май кўни Нўкус шаҳар амфитеатрида “Ёшлик ва спорт байрами” сифатида ташкил этилсин.

5. Қўйилдиғилар Республика ташкилий кўмитасининг асосий вазифаси эгиб белгилансин:

- тадбирлар ўтказиладиган спорт мажмуалари инфратузилмасини талаб даражасида тайёрлаш, бино ва иншоотларни безати;

- тадбирларни худудлардаги замонавий спорт мажмуаларида ўқувчилар хотирасида бир умр сақланиб қоладиган “Ёшлик ва спорт байрами” сифатида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш;

- тадбирларда жаҳон ва қитъа чемпионлари, олимпиада голиблари ҳамда совриндорларнинг кўргазмани чиқишларини, таниқли санъат усталари, ёш санъаткорлар, эстрада хонандалари ҳамда бадиий жамоалар иштирокидаги концерт дастурини ташкил этиш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилий кўмита таркиби билан биргаликда тадбирлар ўтказиладиган вақтда жамоат транспортни ҳаракати ва ёнги хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тез тибобий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.


7. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси ва Қорақалпоғистон ахборот агентлигида “Умид нихоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичларида голиб ва совриндор бўлган ўқувчиларни тақдирлаш маросимини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда “Умид нихоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичида совринли ўринларни қўлга киритган жамоа ва ўқувчиларни эъдилик совғалари билан тақдирлашни ташкил этсин.

9. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири А.Аяпов ва Жисмоний тарбия ва спорт вазири Ғ.Байниязов зиммаларида ўқулатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев



Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 12 мартдаги 46-сон
фармойишига илова

“Умид нихоллари-2018” спорт мусобақаларининг финал босқичлари
голиб ва совриндорларини тақдирлаш тадбирларини худудларда
ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси
ТАРКИБИ

- | | | |
|----|-----------------|--|
| 1 | М.Жуманов | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, <i>Ташкилий кўмита раиси</i> |
| 2 | А.Данияров | - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси кўмита раиси - Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси |
| 3 | З.Ибрагимова | - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - Хотин-қизлар кўмитаси раиси |
| 4 | Давозимита кўра | - Шаҳар ва туманлар ҳокимлари |
| 5 | А.Темирханов | - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири |
| 6 | П.Танирбергенов | - Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири |
| 7 | А.Аяпов | - Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазири |
| 8 | П.Сейтмуратов | - Ўрта махсус, касб-хунара таълим бошқармаси бошлиғи в.в.б |
| 9 | Д.Ходжиев | - Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири |
| 10 | Т.Баекеев | - Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқарма бошлиғи |
| 11 | П.Даймуратов | - Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири |
| 12 | Ғ.Байниязов | - Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазири |
| 13 | Т.Романов | - Фужоратларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари |
| 14 | М.Саренбаев | - Ўзбекистон Миллий олимпиада кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси вакили |
| 15 | К.Разбоқов | - Ўзбекистон мулоффага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси бўлим бошлиғи |
| 16 | К.Нарматов | - Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси директори |
| 17 | В.Канадқов | - Қорақалпоғистон ахборот агентлиги директори |

